Жамият ва инновациялар –
Общество и инновации –
Society and innovations
Journal home page:
https://inscience.uz/index.php/socinov/index

Lingua-didactic criteria for the use of exercises and exercise systems in the development of students' communicative competence

Azizaxon BAZARBAEVA[1]

Fergana State University

ARTICLE INFO

Article history:
Received February 2021
Received in revised form
28 February 2022
Accepted 20 March 2022
Available online
15 April 2022

Keywords:
exercises,
language teaching methodology,
the system of exercises,
communicative exercises,
aspect exercises,
typology of exercises.

ABSTRACT

This article discusses possible changes in the use of exercises in accordance with language teaching methods, methodological definition and features of the notion, the significance of exercises in developing student's communicative competence and the theoretical bases of the utilization of exercises in English language classroom.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.
DOI: https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp389-400
This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru)

Талабаларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда машқ ва машқ тизимларидан фойдаланишнинг лингводидактик мезонлари

Калит сўзлар:
машқлар,
тил ўқитиш методикаси,
машқ тизимлари,
нутқий машқлар,
аспект машқлар,
машқлар типологияси.

АННОТАЦИЯ

Тақдим этилаётган мақолада инглиз тили ўқитиш методикасида машқлар қўлланилишидаги тил ўқитиш методлари билан хамоҳанг ўзгаришлар, тушунчанинг методик шархи ва ҳусусиятлари, машқларнинг мулоқот компетенциясини оширишдаги аҳамияти, инглиз тили машғулотларида машқлардан фойдаланишнинг назарий асослари борасида сўз юритилади.

[1] PhD Student of Fergana State University. E-mail: shokirovaaziza@gmail.com.

Лингводидактические критерии использования упражнений и систем упражнений в развитии коммуникативной компетенции учащихся

Ключевые слова:
упражнения,
методика обучения языку,
система упражнений,
коммуникативные упражнения,
аспектные упражнения,
типология упражнений.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются возможные изменения в использовании упражнений в соответствии с методикой обучения языку, методологическая дефиниция и особенности понятия, значение упражнений в развитии коммуникативной компетенции учащихся и теоретические основы использования упражнений на уроках английского языка.

Инглиз тилини ўқитиш назарияси ва методикаси бир неча асрлардан буён ўрганилиб, ривожлантирилиб келаётганига қарамай кўплаб ижтимоий ва иқтисодий омиллар сабаб ўз долзарблигини йўқотмайди ва ушбу соҳада янгидан- янги изланишлар олиб боришни тақозо этади. Глобаллашув жараёни дунё мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги, турли миллатларнинг интеграциясини тақозо этар экан, ягона мулоқот тили -"Lingua Franca"га эҳтиёж пайдо бўлди. Бу вазифани Англия мустамлакачилиги ҳамда шиддат билан ривожланиб бораётган Америка Қўшма Штатлари таъсирида жаҳоннинг кўплаб давлатларида она тили ва давлат тили ҳисобланган инглиз тили эгаллади. Ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш, фан ва технология сохасида эришган ютуқларимизни кўрсата билиш, ватанимизни ривожланган давлатлар қаторидан жой олишининг калити сифатида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштириш истиқболларини яратиш республикамиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. "Хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш…" масалалари доирасида инглиз тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ҳам юртимизда янги босқичга кўтарилди. Эндиликда, замон талаби ўлароқ, ўқитувчи ўрганувчиларни тил материали билан таништирибгина қолмай, уларни ўрганилаётган тилда эркин мулоқот қилишга тайёрлайди, яъни инглиз тилининг нутқий кўникмаларини ривожлантириш билан шуғулланади. "Таълим мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, нутқ фаолияти турларига мўлжаллаб тил материали танланади, тақсимланади, тасниф қилинади, тақдим қилинади, яъни ўзлаштиришга тайёрланади". Инглиз тили ўқитиш тарихида қўлланилган "Грамматика-Таржима", "Тўғри метод", "Аудио-лингуал метод" каби методларда мақсад алоҳида тил материали – грамматик, лексик ва фонетик бирликни таниширишва ўргатиш бўлган. Бугунги кунда эса тил материали нутқий кўникмаларни ривожлантириш жараёнида ўрганилади. Нутқ кўникмаларини ўқитиш ва ўрганишда машқлар типологияси ва уларнинг аҳамияти масалалари ҳам лингводидактиканинг долзарб масалаларидандир. Зеро, машқларни бажариш орқали малака ва кўникмалар ҳосил қилиш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштириш амалга оширилади. Ҳар қандай тил билими машқлар воситасида кўникмаларга айлантирилади. Машқларни тўғри танлай билгандагина ўқитувчи

ўрганувчиларга тил кўникмаларини малакага айлантиришга ёрдам беради. Талабаларни асосий ўрганилаётган чет тилида эркин мулоқот қилишга тайёрлар экан, ўқитувчидан тил машқларини таҳлил қилиб,ўэлаштирилаётган нутқий фаолият турини такомиллаштириш учун мўлжалланган материални тез ва қулай эгаллашда энг мақбулларини танлай билиш, уларни тўғри кетма-кетликда жойлай олиш талаб қилинади. Биз тил ўрганишда қандай методдан фойдаланмайлик, бу жараённи унга хос машқларсиз амалга оширолмаймиз.Тил ўқитиш тизимида олиб бориладиган ҳар қандай изланиш, ишлаб чиқилган услуб, ҳар бир методика ўзини машқларда ифода этади. Инглиз тили ўргатиш жараёнининг қайси босқичида бўлмайлик, қайси тил материалини ўргатишга ҳаракат қилмайлик, бу жараённинг машқлар бажаришдан иборат жараён эканлигини кузатамиз.Ўрганилаётган тилда мулоқот компетенциясига эришиш грамматик, лексик, фонетик билимларни эгаллаш, нутқий кўникмаларни машқ қилиш билан бир қаторда ўрганилаётган тилнинг лингвокултурологик ҳусусиятларидан ҳам хабардор бўлишни талаб қилади. Демак, замонавий инглиз тили дарсликларидаги материаллар ва машқларда лингвокултурологик хусусиятлар ҳам қамраб олингандагина талабалар ўрганилаётган тилни тўлиқ тушуниш ва фикрини тўлақонли баён қилишга эришадилар. Бу эса, ўз навбатида, нутқий фаолият турлари машқларини коммуникатив ёндашув асосида, лингвокултурологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганишни тақозо қилади. Ушбу диссертация инглиз филологияси талабаларининг асосий ўрганилаётган чет тили фани дастурида тавсия қилинган нутқий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган замонавий инглиз тили дарсликларида келтирилган машқлар воситасида коммуникатив метод машқларини таҳлил қилади ва нутқий фаолият турларига кўра типларга ажратади, машқларни тўғри тизимлаш ва тўғри кетма-кетликда жойлаш усулларини ўрганади ва ўрганувчиларни мулоқотга тайёрлашда ва нутқ кўникмаларини такомиллаштиришда энг афзалларини ўрганади. Нутқий фаолиятга қаратилган машқларда лингвокултурологик ҳусусиятларнинг намоён бўлиши ва ўзида бу каби ҳусусиятларни акс эттирган машқлар орқали инглиз тилида компетентликка эришиш масалаларини кўриб чиқади. Таниқли ўзбек методисти Саидумар Саидалиев ўзининг “Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” китобида машқлар типологияси масалаларини олмон тили мисолида кўриб чиқади. Унинг: “ ...таълим жараёнида асосий масала машқлар тизимини назарий асослаш, амалий ишлаб чиқиш бўлиб қолмоқда. Чунки машқларнинг мақсадга қаратилганлиги, уларнинг турли туманлиги, аудиторияга мослиги асосий мезонлар ҳисобланади”, – дея машқларнинг тил таълимидаги аҳамиятига билдирган муносабати инглиз тили ўқитиш машқларини типологиялаш, нутқий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган машқлар ҳусусиятларини ўрганиш, машқларда экстролингвистик омиллар намоён бўлишининг аҳамиятини исботлаш ва инглиз тили машқларини тизимлашнинг долзарблигини кўрсатиб беради.

Машқлар типологияси машқларни мавжуд ҳусусиятларига кўра синфлаш демакдир. Нутқий фаолиятга тайёрлаш (тайёрловчи, тил машқлари) ва нутқий фаолиятда иштирок этишни таъминлаш (нутқий, коммуникатив машқлар) машқларнинг асосий синфлаш белгилари ҳисобланади.

Инглиз тилини ўқитиш ва ўрганиш жараёнида тўғри танланган машқлар тизимидан фойдаланиш ва машқлар типологияси масалалари лингводидактиканинг долзарб муаммоларидандир.Юртимиз ва жахонда яратилган чет тили

ўқитиш борасидаги адабиётларни ўрганар эканмиз, машқларга тил билимларини ўзлаштириш ва кўникмаларни ривожлантириш, тил малакасини оширишнинг калити сифатида қаралиб уларни синфлаш ва тизимлаш масалаларига қайта қайта мурожаат қилинганлигини кузатамиз. Аммо тил ўргатиш машқларининг кўплаб методист олимлар томонидан ўрганилганлигига қарамасдан, яратилган машқ тизимлари ўзи ишлаб чиқилган давр талабидан келиб тузилгани, машқлар борасидаги аксарият ишлар умумий ўрта таълим мактабларида хорижий тилларни ўргатишга мўлжаллангани ва машқлар типологияси, асосан, немис тили ўқитиш машқлари мисолида амалга оширилгани, бизнинг олдимизга инглиз филологияси йўналиши талабалари учун замон талабларига мос нутқий кўникмаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш машқлари ҳусусиятларини ўрганиш ва бу орқали ўрганувчини мулоқотга тайёрлашда энг самарадор машқлар тизимини яратиш вазифасини қўяди.

Зеро, таниқли рус олими В.Б. Беляев таъкидлаганидек: “Чет тили ўқитишда турли қоидаларни ўзлаштириш орқали назарий билимларни эгаллашга ва у ёки бу кўникмаларни кўп марта такрорлаб шакллантиришга ундаш эмас балки дарс жараёнида асосий эътибор ва вақтни ўрганувчиларнинг бошқаларнинг фикрини тушуниш ва ўз фикриин ифода эта олиш малакасини ривожлантирувчи машқларга қаратиш керак”. Дарсликларда берилган машқлар муайян тарзда ташкил этиладиган ва бирон бир мавзуни қайта-қайта бажаришга, уни эгаллаб олишга, ҳамда ўтилган мавзуни такомиллаштиришга йўналтирилган ақлий фаолият ҳисобланади.Тил ўқитишнинг мақсади мулоқотга тайёрлаш эканидан келиб чиқсак, эндиликда машқларга тил бирликларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи, оғзаки нутқ элементларини такрорлаб ёдлашда қўлланилувчи, билимларни мустаҳкамлаш воситасигина эмас, балки нутқий кўникмаларни ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи, реал мулоқот шароитини ярата оладиган тил ўргатиш воситаси сифатида қарашимиз мумкин. Машқлар нутқий кўникмаларини такомиллаштира олиши ва уларда реал мулоқот вазияти мавжуд бўлиши учун замонавий дарсликлардаги машқларда нафақат грамматик, лексик, фонетик ва бошқа лингвистик бирликлардан ташқари экстралингвистик жихатларни ҳам акс эттириши керак. Машқларда экстралингвистик омилларнинг мавжуд бўлиши деганда машқ материалида ўрганилаётган тилнинг лингвокогнитив, лингвопрагматик ва лингвокултурологик элементларининг намоён бўлишини тушунамиз.

Инглиз тилини маълум бир методга таянган ҳолда ўқитамиз ва ўрганамиз, лекин тил ўрганишда қандай методдан фойдаланмайлик, бу жараённи унга ҳос машқларсиз амалга оширолмаймиз. Тил ўқитиш тизимида олиб бориладиган ҳар қандай изланиш, ишлаб чиқилган услуб, ҳар бир методика ўзини машқларда ифода этади. Чет тили ўқитиш жараёнининг қайси босқичида бўлмайлик, қайси тил материалини ўзлаштиришга ҳаракат қилмайлик, бу жараённинг машқлар бажаришдан иборат жараён эканлигини кузатамиз. Машқлар тил материали билан танишишда,тил кўникмаларинишакллантириш ва ривожлантиришда, тил малакасини такомиллаштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Машқлардан нафақат ўрганувчиларга тил материлини ўргатишда ёки оғзаки нутқни ривожлантиришда, балки ўзида ўрганилаётган тилнинг лингвокултурологик ҳусусиятларини акс эттирган машқлар ёрдамида ўрганувчиларнинг суперкомпетенция (ижтимоий компетенция ва ахлоқий компетенция)ларини ҳам ривож-

лантиришда фойдаланиш мумкин. Тил ўқитиш машқлари материалида лингво-культурологик хусусиятларнинг мавжуд бўлиши, машқлар ва машқ материаллари орқали ўрганувчига тил бирликларинингина эмас, ўрганилаётган тил тарихи, ушбу тилда сўзлашувчиларнинг турмуш тарзи, тили ўрганилаётган жамиятнинг ахлоқ-одоб меъёрлари, қадриятлари ва бошқаларни тақдим қилиш талабани ўрганилаётган тил муҳитига олиб киришга ёрдам беради.

Машқлар таълим жараёнида доминант рол ўйнайди. Дарҳақиқат, чет тили ўқитувчиси томонидан қўлланиладиган барча назарий усуллар охир-оқибат машқлар сифатида ўзини намоён қилиши керак. Қайси турдаги дарс бўлмасин, нутқ фаолиятини ўстиришми ёки ўқиш кўникмасини ривожлантириш, машғулотнинг асосий қисми машқ бўлиб қолади. Чет тили машғулотларида тўғри танланган машқларнинг етарли эмаслиги, машқларнинг узвий ва кетма-кет тузилмаганлиги ўқув жараёнининг самарасизлигига ва талабаларнинг ушбу мавзуга бўлган қизиқишининг сусайишига олиб келади. Аксинча, турли хил фаол машқларнинг татбиқ қилиниши тил ўрганиш жараёнининг узлуксиз бўлиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратади. Машқ ўқитувчи ва ўрганувчилар, ўрганувчиларнинг ўзаро, мустақил ёхуд ўқувчи/талабанинг дарслик билан ишлашини ташкил этишнинг асосий тўғридан-тўғри усулидир. Шунинг учун машқлар ва уларнинг вазифаси, тузилиши, машқ системалари ва машқлар типологиясини ўрганиш методиканинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Чет тилини ўрганишнинг асосий воситаси сифатида дарсликдан тўғри фойдаланиш учун ҳам унинг таркибий қисми ҳисобланган машқларнинг мазмуни ва тузилишининг хусусиятларини билиш жуда муҳим ҳисобланади.

Жамол Жалолов чет тили ўрганишни машқлар бажаришдан иборат жараён деб номлайди ва бу машқнинг динамика (ҳаракат) тарафи эканлигини, унинг статика(ҳолат) жиҳати эса дарсликда ўқув материали тарзида ташкил этилганлигидалигини таъкидлайди. Олим статикадаги машқ деганда, чет тили дарслигида муайян рақам ёки ҳарф билан белгиланган ёки махсус ажратиб кўрсатилган, икки қисмдан иборат, дарс таркибини ташкил этадиган ўқув-методик категория тушунилишини, машқнинг қисмлари методик адабиётларда “машқ талаби”- сарлавҳаси ва “машқ материали” деб юритилишини, машқ материали дарсликда ёзилган (ҳарф,сўз, жумла, график матн) ёки ўқувчи нутқининг маҳсули (товуш, сўз, жумла, оғзаки матн) бўлиши мумкинлигини, динамикадаги машқ – чет тилда ўқувчи бажарадиган, ҳарф ёзиш ёки товушни талаффуз этишдан тортиб, то матнни идрок этиб тушуниш ёки ўз фикрини бемалол баён этишгача бўлган ўқув амалидир. Машқларнинг статикадаги кўриниши дарслик муаллифининг ижод маҳсудорлигини, динамикада эса нутқ кўникма ва малакалари ҳосил қилиш йўлидаги амалий хатти-ҳаракатлар ва уринишлар эканлигини айтиб ўтади.

Билимни эгаллаш, малака ва кўникмаларни ривожлантириш учун махсус ишлаб чиқилган машқ тизимларидан фойдаланилади.Машқ қилиш – бу тил материалларини ўрганиш, билим ва кўникмаларни эгаллаш, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий бирлиги.Машқ қилиш ўқитиш шароитида махсус ишлаб чиқилган машғулот бўлиб, унда ниманидир ўрганиш ва ривожлантириш учун такрорий ҳаракатларимиз мавжуд.Машқлар тизими – бу маълум бир билим ёки кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган назарий жиҳатдан асосланган

машқлар танлови, уларнинг кетма-кетлиги.Методикада чет тилларини ўрганиш жараёни доимий равишда бажариладиган машқлар занжири сифатида қаралади. Машқларнинг сифати чет тилидаги нутқ фаолиятини ўзлаштириш муваффақиятига таъсир қилади. Чет тилларини ўрганишдаги фаоллик хусусиятига асосланган машқлар, мулоқот тил материали ва ўрганиш мақсадларини амалга ошириш шакли сифатида ишлайди. Бошқача қилиб айтганда, машқлар нафақат лингвистик материални ўзлаштириш воситаси, балки нутқ фаолиятининг ҳар хил турларини ўзлаштириш воситасидир.

Рус методист олимлари Н.Д. Галскова ва Н.И. Гез тил таълимига чет тилида нутқ фаолиятини олиб боришга имкон яратувчи,тизимлаштирилган билимлар, кўникмалар ва махоратни ўзлаштириш жараёнидея таъриф берадилар. Чет тили таълимига берилган бу таъриф ҳам бу жараёнда машқларнинг аҳамиятини чуқурроқ англашимизга имкон яратади. Ҳозирги кунда чет тилларида оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш катта аҳамият касб этганлиги боис инглиз тили лингводидактикасида нутқий фаолият машқлари ва улардан фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда. Машқлар ўқувчиларда ёзма нутқ малака ва кўникмаларини ҳамда уларнинг оғзаки нутқини ўстириш, чет тилида мустақил фикрлай олиш малакасини шакллантиради. Дастлаб чет тили ўқитишда аспект машқлар асосий восита ҳисобланган бўлиб, гапириш ва ёзувга ўргатиш, яъни оғзаки ва ёзма нутқ машқларига эътибор берилмаган. Натижада, оғзаки ва ёзма нутқ машқлари, уларнинг турлари ва қўллаш технологиялари камроқ ўрганилган.

Методика фанида машқлар турлича кўриб чиқилади. Баъзи олимлар уни ўқув материалини методик ташкил этишнинг таркибий бўлими деб ҳисобласа, бошқалар уни чет тилидаги нутқ фаолиятини ўрганиш учун бирлик деб билишади. Машқлар турли хил ўқитиш усулларини амалга оширади ва чет тилида нутқ кўникмаларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратади. Машқлар ҳар хил шароитда бажарилиши мумкин. Агар ўқувчиларнинг диққатини тил шаклига эмас, балки таркибга қаратган бўлса, унда улар ўз фикрларини ифодалаш ёки матн муаллифи томонидан берилган фикрларни тушуниш билан боғлиқ нутқ ҳаракатларини бажарадилар (тинглаш ёки ўқиш). Бизнингча, тил ўқитишда машқларни тил шаклига ва нутққа қаратилган машқлар сифатида ажратиб фойдаланиш жоиз эмас. Тил ўрганишнинг қуйи босқичларида ҳам ўрганувчига нутқ машқлари соддароқ материаллар билан тақдим этилиши ва тил шаклларига қаратилган машқлар нутқ машқларига интеграциялаб тақдим этилиши керак.

Таъкидлаб ўтганимиздек, ўрганувчиларни мулоқотга тайёрлаш инглиз тили ўқитиш тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бу жараённинг энг муҳим компоненти машқлардир. Машқларни ўқитиш мазмунига мос танлаш, тўғри изчилликда бериш билим ва кўникмаларини самарали эгаллаш тилни тез ва самарали ўргатиш жараёнининг калитидир. Машқларнинг тил ўргатишдаги аҳамиятини тушунишимиз, уларни тўғри қўллай билишимизда “машқ” тушунчасининг методик шарҳи ва унинг структураси билан танишиш ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Ўрганилаётган чет тилида нутқий компетентликка эришишни фақатгина турли хил машқлар бажариш орқали рўёбга чиқариш мумкин.“Машқ”деганда рус услубшунос олими С.Ф. Шатилов “Ўқитиш шароитида махсус ташкилланган алоҳида ёки бир қатор операциялар ёҳуд нутқий ёки тил характерли фаолияти-

нинг бир ёки кўп маротаба бажарилиши”ни тушунади. Ўрганувчини инглиз тили алифбоси билан таништиришдан то унинг нутқий компетенциясини оширишгача бўлган ўқитиш жараёни бу жараённинг ҳар бирига хос машқлар тизими ёрдамида амалга оширилади. Ушбу машқлар алоҳида бўлиши, бир марта бажаришни кўзда тутиши ва тил материали билан танишиш учун хизмат қилиши ёхуд бир бирини тўлдирувчи машқлар кетма- кетлиги бўлиб такрор бажарилиши мумкин.

Э.П. Шубиннинг фикрига кўра, “Хорижий ти ўқитишнинг мундарижасини тил ўқитиш машқлари ташкил этади. Бу ерда “машқлар “деганда, энг аввало, ўрганилаётган тил ёрдамида ахборот алмашиш жараёнида қатнаша олиш қобилиятига эга бўлган, коммуникаторни шакллантиришга қаратилган, ўрганувчилар томонидан бажариладиган, коммуникатив характерга эга психофизиологик фаолият тушунилади”. Дархақиқат, чет тили ўқитишнинг мақсади тил ўрганувчиларни мулоқотга тайёрлаш, ўрганилаётган тилда фикр алмаша оладиган ўрганувчини тайёрлаш экан, чет тили ўқитиш жараёнининг негизи бўлган машқлар ҳам коммуникатив ҳарактерга эга бўлиши керак.

Машқларнинг аҳамиятини тушунишимиз ва уларни синфлашимизда “машқлар тизими” тушунчасига ҳам аниқлик киритиб олишимиз зарур. Машқлар системасининг муҳимлиги унинг ўқитиш жараёнини тўғри ташкиллаб беришидадир. Машқларнинг методик ҳарактеритикасини, уларнинг турларини билишимиз ва улардан ўқув жараёнига мосини танлай билишимиз ўрганувчининг тил кўникмаларини муваффақиятли ўзлаштиришини кафолатлайди. Машқлар тизими – бу маълум бир билим ёки кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган назарий жиҳатдан асосланган машқлар танлови, уларнинг кетма-кетлиги.

Ўрганилаётган чет тилини ўзлаштириш жараёнини тўғри ташкиллаш учун машқлар системаси қуйидагиларни таъминлаши лозим:

1) у ёки бу билимнинг характери,бирор кўникманинг механизми, ҳусусиятига мос келувчи машқлар танлови;

2) ўзлаштириш узлуксизлигиини ва унинг методик принцип ва қонуниятларини назарда тутувчи машқлар кетма-кетлигини аниқлаш;

3) машқларнинг тўғри тузилган кетма-кетлигидан кам аҳамиятга эга бўлмаган, у ёки бу тип, синф ёки синфчалар ва вариант машқларнинг муносабатини аниқлаш;

4) маълум бир материалнинг мунтазамлиги;

5) тизимнинг барча даражаларида (нутқий фаолиятнинг турли шакллари ўртасида, мулоқот қила олиш кўникмалари ўртасида) тўғри ўзаро муносабат.

“Машқлар системаси” тушунчасини изохлашда ва қўллашда бир фикрга келинмаган.Услубшунос олимлар қўллайдиган ушбу терминлар ҳам буни исботлайди: “Грамматик материални мустаҳкамлашга қаратилган машқлар системаси”, “Грамматик ҳодисаларнинг семантизатияси машқлари системаси”, “Оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар системаси”, “Сифатларни ўзлаштиришга қаратилган машқлар системаси”, “Хатолардан огоҳлантирувчи машқлар” ва бошқалар.Кўриниб турибдики, бу ҳолатларда “Машқлар системаси” тушунчаси бир хил маънода қўлланилмаяпти. “Машқлар системаси” тушунчаси турли объектларни ўрганишда қўлланар экан, машқлар системасига қўйилган талаб ҳам ўрганилаётган тил билимига қараб турлича бўлади.

Машқлар аҳамияти борасида сўз борар экан, қуйидаги тушунчаларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ:

1) Машқлар комплекси (тўплами) – ўзлаштириш жараёнидаги кўпроқ ёки камроқ такрорланадиган ҳаракатларни ёки вазифаларни автоматизациялашга қаратилган машқлар йиғиндиси.

2) Машқлар субтизми – нутқ фаолиятининг маълум бир жихатини ўзлаштиришга қаратилган машқлар йиғиндиси. Гапириш кўникмасини ривожлантиришда 3 хил машқлар системаси мавжуд: нутқнинг грамматик жиҳатини, лексик жиҳатини ва талаффуз жиҳатини ўргатувчи машқлар.Ҳар бир субтизм машқлар комлексидан иборат.

3) Махсус машқлар тизими – нутқнинг маълум бир турини: гапириш, тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқишни ўзлаштиришга қаратилган машқлар йиғиндиси. Махсус машқлар тизимига, шунингдек, таржима кўникмаларини ўргатувчи машқларни ҳам киритишимиз мумкин. Ҳар бир махсус машқлар тизими аниқ машқлар субтизмларидан иборат. Масалан, “Гапириш” махсус машқлари тизими 3 та субтизимдан иборат.

4) Машқларнинг умумий тизими – умумий мулоқот қилиш кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган машқлар йиғиндиси. Умумий машқлар тизими махсус машқлар тизимидан иборат бўлади. Умумий машқлар тизимининг таркиби ўқитиш мақсадига боғлиқ.

Шундай қилиб, машқлар нутқий фаолиятнинг бирор турини эгаллашга қаратилган мунтазам қайтарилувчи фаолиятдир. Ҳар бир машқ бир қанча компонентлардан иборат бўлади:

– топшириқ, йўналтириш (установка), мақсад;

– махсус ташкилланган материал;

– нутқий фаолиятни ривожлантириб боришга йўналтирилганликнинг мажбурийлиги;

– адекватлик (мослик) – машқ ҳусусиятларининг кўзланган мақсад билан мутаносиблиги. Яъни ҳар қайси нутқ кўриниши худди шу тур фаолияти билан боғлиқ машқларни бажариш орқали эгалланиши мумкин. Машқлар бир –бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзига хос тизимни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, машқлар системаси деганда тил таълимининг негизини ташкил этадиган ва тил малака ва кўникмаларини шакллантиришда аниқ ўқитиш мақсадини амалга оширишга қаратилган ўрганувчиларнинг тартибли ташкилланган ва ўзаро боғлиқ фаолияти тушунилар экан.

Психологлар тушунишга асосланган ва онгли равишда бошқариш ва созлаш билан бирга олиб бориладиган муайян ҳаракатларни ёки элементларни уларни ўзлаштириш мақсадида такрорий бажарилишини машқ деб тушунадилар.

Рус методист олими И.Л. Бим машқларларда чет тили тизимининг элементларини ўзлаштиришда талабанинг ўқув фаолиятини ташкил этиш учун минимал бирликни кўради. Таълим бўлинмалари материал бирликларидан бевосита ўқувчилар фаолиятида фойдаланиш усулини тавсифлайди. Машқлар, И.Л. Бимнинг тушунтиришича, ўқув материали воситачилигида ва стандартлаштирилган тузилишга эга бўлган ўқитувчи ва талабалар (мустақил ишлаш учун – талабалар ва дарслик) ўртасидаги ўзаро таъсир шаклидир. Демак, машқлар дарс мобайнида

билимларни ва нутқий кўникмаларни эгаллашдан ташқари мустақил ўрганиш материалларини ўзлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бироқ биз мустақил ишлаш учун машқлардан фойдаланишда талабалар ва ўқитувчи; талабалар ва дарслик муносабати бугунги тил ўқитиш талабларига нисбатан тор олинган муносабат деб қараб, машқлар дарсда ўқитувчи ва талабалар, талабаларарo; мустақил ишлаш учун-талаба ва ўрганилаётган тилга оид ҳар қандай материал ўртасидаги ўзаро таъсир шаклидир деган таърифни ўринли деб топдик. Бугунги кунда чет тили дарсларининг марказида ўқитувчи эмас, ўқувчи туришининг муҳимлиги (Student centered), ўқитувчи ва талаба муносабатига нисбатан ўрганувчилар ўртасида ўзаро (pair-work, work in small groups) муносабатнинг устунлиги, ўқитиш жараёнида аутентив материаллардан фойдаланишнинг муҳим бўлиб бораётганлиги машқларга берган ушбу таърифимизнинг тўғри эканлигига ишора қилади.

Машқларни таснифлаш муаммоси бўйича жуда кўп нуқтаи назарларнинг мавжудлиги ушбу муаммонинг кўп қирралилиги, машқларни типологиялаш муаммосига турли нуқтаи назардан ёндашиш имконияти билан изоҳланади.

Чет тилларни ўқитиш бўйича машқлар типологияси сохасидаги салмоқли ишлардан бири тилшунос ва услубшунос олим И. В. Рахманов томонидан амалга оширилди. Ўзидан аввалги ишларни ҳам бирлаштиргани, улардаги камчиликларни таҳлил қилиб, оғзаки нутқни ривожлантиришга қаратилган машқларга асосий эътиборни қаратгани Рахманов машқлар типологиясининг қадрини оширади. Бироқ оғзаки нутқни асосан такрорлаш, берилган мавзу юзасидан нутқ сўзлаш, саволларга жавоб бериш каби машқлар ёрдамида шакллантиришга қаратилганлиги ушбу типологиянинг ҳам замонавий лингводидактика талабларига жавоб бермаслигини кўрсатади. Чунки замонавий инглиз тили дарсликларидаги машқлар талабалардан такрорлашни ёхуд ёдланган матнни айтиб беришни эмас, ўрганилаётган тилда танқидий ва таҳлилий фикрлаш, ўз фикрини баён қила олиш, қарор қабул қилиш каби кўникмаларни ҳам ривожлантиришга қаратилган.

Рус методист олими, Россияда коммуникатив метод асосида тил ўқитиш асосчиси Э.И. Пассов томонидан таклиф қилинган машқларнинг таснифига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Машқлар турларини аниқлашнинг бошланғич мезони сифатида у нутқ кўникмаларини шакллантириш босқичлари бўйича машқларнинг мақсадларини белгилаб беради. Ушбу мезон бўйича барча машқлар:

а) кўникмаларни шакллантириш машқлари (шартли нутқ машқлари);

б) кўникмаларни ривожлантириш машқлари (нутқ машқлари)га бўлинади.

Чет тилини мулоқот воситаси сифатида ўрганиш талабалардан лисоний билимларни ўзлаштириш ва коммуникатив кўникма ва малакаларни шакллантиришни талаб қилади. Бу эса нутқни ривожлантириш тил бирликларига оид билимлар асосида амалга ошади дегани. Парадокс шундан иборатки, нутқий кўникмаларни шакллантиришнинг асоси бўлган лисоний билимларни нутқ машқларисиз фақат аспект машқларига таяниб амалга оширганимизда ўрганувчи назарий билимларини амалиётда қўллай олмайди.Пассовнинг машқлар типологияси барча машқларни фақат нутққа йўналтириши, аспект машқларини нутқий фаолиятга қаратилган машқлардан ажратиб олмай, билъакс, уларни ҳам нутқни шакллантириш воситаси сифатида кўриши, яъни тил бирликларини ўзлаштириш жараёнида қўлланиладиган машқларда нутқни шакллантириш ҳусусиятининг

мавжудлиги, ушбу типологиянинг бошқаларидан кўра мукаммал эканини кўрсатади. Бироқ Пассов типологиясида ҳам (шартли нутқ машқларигина эмас) нутқ машқларининг биз илмий ишимизда муҳимлигини кўрсатиб ўтадиган лингвокультурологик ҳусусиятларига алоҳида эътибор қаратмаганлигини кузатишимиз мумкин. Машқ материалида лингвокултурологик ва бошқа экстралингвистик ҳусусиятларнинг мавжуд бўлиши, машқлар ўрганилаётган тилда танқидий фикрлаш, қарор қабул қилиш, ўз фикрини баён қила олиш каби кўникмаларни ҳам ривожлантира олишининг муҳимлигини, коммуникатив методда ўқитилган рус замондошларимизнинг ушбу ҳазили билан ҳам изохлаш мумкин:

"Тот английский, которому нас учили в школе, понимают только те, кто учился в нашей школе".

Профессор Жамол Жалолов "Чет тилларини ўқитиш методикаси"да турли услубшунос олимларнинг машқлар синфланиши борасидаги фикрларини келтириб ўтади. Хусусан, Раҳманов барча машқларни тил ва нутқ машқлари номи билан ажратиб юритганлигини ва айрим услубшунослар тил ва нутқ машқлари билан бир қаторда "нутққача бўлган машқлар" номини ҳам қўллашларини айтадилар. Рус методисти В.А. Бухбиндернинг информацион, операцион ва мотивацион машқлар терминларини билим, кўникма, ва малака бериш машқлари деб атайдилар. Ж. Жалолов, Т. Сатторов, А. Сойназаров ва бошқларчет тили машқлар системаси шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқлар турларига бўлиниши аниқлашган. Шакллантирувчи машқ тил материалини ўзлаштиришда, ривожлантирувчи машқ нутқда тил материалининг қўлланишида ва такомиллаштирувчи машқ чет тилда фикр баён этиш ва ўзга шахс фикрини идрок этиб тушуниш мақсадида бажарилади, яъни билим олиш, кўникмани эгаллаш ва малакани ўстиришга мўлжалланган машқлар деб қаралади.

Тил ўрганиш жараёни кўп қиррали, ўз ичига ҳам назарий билимлар ҳам амалий кўникмаларни олган мураккаб жараёндир. Бу жараённинг хар бир элементини ўқитишнинг бевосита машқлар билан боғлиқлиги ва тил материаллари ва хар бир тил кўникмасини эгаллашда ўзига ҳос машқ системаларидан фойдаланишимиз машқларнинг тил ўқитишдаги аҳамиятини кўрасатади. Ўз навбатида, ҳар бир тил кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришга хос машқ системаларига қўйилган талаблар мавжуд. Масалан, тинглаб тушунишга қаратилган машқлар қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- машқларнинг тингланаётган хабарнинг психологиква лингвистик мураккаблигига мослиги;
- тинглаш жараёнининг бошқа нутқ турлари, айниқса гапириш билан, корреляциялаш (боғлаш) имкони;
- тинглаб тушуниш билим ва кўникмаларини шакллантириш жараёнини бошқара олиши;
- амалий мақсадни ва таълим мақсадини амалга ошириши.

Рус услубшунослари икки тур машқлар системасини фарқлайдилар: тайёрловчи ва нутқий/коммуникатив.

Тайёрловчи машқларга нутқни тинглаб тушунишга ўргатувчи, тахмин қилишни ўргатувчи, қисқа муддатли ва хотирани ривожлантиришга қаратилган, реалиа ва аббревиатураларни фарқлашга қаратилган, сўз ясалиши ва контекстни

топишга қаратилган машқлар кирса, коммуникатив машқларга тинглаб тушунишга қисман йўналтириладиган машқлар, тинглаб тушунишга йўналтирилмайдиган машқлар, тингланган материални мантиқий қайта ишлаш ва фиксациялашга қаратилган машқлар киради.

Гапиришни ўргатиш машқларини системалаш, ташкиллаш ва тўғри танлай билишҳудди нутқнинг ўзи каби мураккаб жараёндир. Чунки биз ўрганувчини мулоқотга муайян шакл ва қоидалар ёхуд қолипланган машқлар ёрдамида тайёрлай олмаймиз. 1970–1980-йилларгача мулоқотга ўргатиш жараёнида ўрганувчининг билим даражасидан келиб чиққан ҳолда аввало, тайёрлов машқларидан, тил материали ўзлаштирилгандан сўнггина нутқий машқлардан фойдаланиш кераклиги илгари сурилган бўлса, коммуникатив ёндашув асосчилари бу қарашга мутлақо қарши чиқдилар ва тайёрлов/нокоммуникатив машқларни рад этдилар. Нокоммуникатив машқлар ўзида экстралингвистик элементларни мужассамламагани ва айрим коммуникатив машқлар ҳам, аслида, сунъий эканлиги, яъни ўрганувчини мулоқотга тайёрлай олмаслиги таъкидланди. Лингвистик (грамматик ва лексик) ривожланишга эътибор қаратишдан кўра бутун тил материали бўйсундирилиши лозим бўлган нутқий актларни ривожлантиришга эътибор қаратиш кераклиги таклиф қилинди. Олимлар Жонсон ва Портер (1983) бунда тилнинг функционал ҳусусиятлари марказда бўлиши кераклигини таъкидладилар.

Машқлар (уларнинг номенклатураси, характери, системаси) дарслик билан бир қаторда, ўқув жараёнининг асосини ташкил этади. Бугунги кунда доминант ҳисобланган тил ўргатишга коммуникатив ёндашув бутун чет тили ўргатиш машқлар комплексини асосий- коммуникатив ва қўшимча – тил (лексик, лексик-грамматик, грамматик) машқларга сунъий бўлинишига олиб келди. 1970–80 йилларда айрим методистлар ва Э.И. Пассов чет тили ўргатишда тил машқларидан фойдаланишнинг самарасиз эканлигини таъкидладилар. Бироқ бу тур машқларнинг ўрни, функцияси ва системасини назарий жиҳатдан ўрганиш муҳимдир. Тил ўқитиш тизими кўп танловли саволлардан то мураккаб муаммоли вазият машғулотларигача бўлган машқлардан иборат жараён бўлиб, машқларнинг ҳар бир тури ўзининг афзалликларига ва ноқулайликларига эга, улар ўрганувчилар мотиватияциясига таъсири билан фарқланади. Ўз навбатида, машқлар ўқитувчиларни бахолашнинг турли усуллари билан таъминлайди. Дарс жараёнида турли машқларнинг мавжуд бўлиши ўрганувчиларга назорат қилинаётганлик ҳиссини беради ва ўрганилаётган мавзуни такрорлаш имконини яратади. Такрорлаш узоқ муддатли билим олишнинг муҳим таркибий қисмидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. М.А. Алкараз Ариза, Ф. Наваро, “Medicine: Use of English”, Тил ва тилшунослик энциклопедияси (2-нашр),2006-йил, 752-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5117-сон Қарори. – Т.: 2021 йил 19 май.

3. Ж. Жалолов, “Чет тиллар ўқитиш методикаси”, “Ўқитувчи” – Тошкент, 2012, 10-бет.

4. Сайдалиев С. Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари (Олмон тили мисолида). Ўқув қўлланма. – Наманган, 2018. – Б. 244.

5. Азимов Э.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминовипонятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – С. 448.

6. Ахмедова М.Х. Типология упражнений для развития речи на неродном языке. // Молодой ученый. – 2016. – №1 (105). – С. 687–689. URL: https://moluch.ru/archive/105/23502.

7. Eshmuratova Aygul, Tursynova Guldar, Umarova Zamira, Aydarova Aiganym Typology of exercises for teaching the foreign language // ПроблемыНауки. 2016. – №6 (48). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/typology-of-exercises-for-teaching-the-foreign-language.

8. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т. Ўқитувчи, 2012. – Б. 13.

9. Н.Д. Гальскова, Н.И. Гез. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. – М.: Academa, 2006. – С. 5.

10. Исламова З.Н. Problems of the System of Exercises in Methodology of Foreign Language Teaching / З.Н. Исламова. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2019. – № 21 (259). – С. 499–501. URL: https://moluch.ru/archive/259/59388/.

11. Шатилов С.Ф. Методика обучения немецкому языку в средней школе. Учебное пособие для студентов педагогических институтов. – 2-е изд., дораб. – М.: Просвещение, 1986. – С. 55.

12. Рахманов И.В. Обучение устной речи на иностранном языке. – М.: Высшая школа,1980. – С. 39.

13. Пассов Е.И. Коммуникативные упражнение. М.-Л., – 1967.

14. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т. Ўқитувчи, 2012. – Б. 15.

15. Н.Д. Гальскова, Н.И. Гез. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. – М.: Academa, 2006. – С. 179.